

**Истамова Шохида Махсудовна**  
ОХУ Педагогика ва психология кафедраси  
профессори, (PhD)

---

## **ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ВА ЁЗМА АДАБИЁТ НАМУНАЛАРИДА ТУШ МОТИВЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**Аннотация:** Мазкур мақолада халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт намуналарида туш мотивидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, руҳий таҳлилнинг муҳим поэтик воситаларидан саналувчи туш бадиий асарларнинг барча турларида ўзига хос кўринишларда намоён бўлиши тўғрисида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** бадиий асар, сюжет, туш мотиви, қаҳрамон, руҳий ҳолат, анъана, ижодкор, композицион қурилиш ички олам.

**Аннотация.** В этом статье рассматривается особенности использования мотива сна в устном народном творчестве и письменной литературе, а также своеобразные проявления сновидений, которые считаются важными поэтическими инструментами психологического анализа, во всех видах художественных произведений.

**Ключевые слова:** художественное произведение, сюжет, мотив сна, герой, душевное состояние, традиция, творец, композиционное построение, внутренний мир.

**Abstract.** This article discusses the specific features of the use of the dream motif in folklore and written literature, and the fact that the dream, which is considered one of the important poetic tools of spiritual analysis, appears in all types of artistic works.

**Key words:** work of art, plot, dream motif, hero, state of mind, tradition, creator, composite construction, inner world.

---

Руҳий таҳлилнинг муҳим поэтик воситаларидан саналувчи туш бадиий асарларнинг барча турларида ўзига хос кўринишларда намоён бўлади. Айтайлик, фольклордаги эпик асарларда туш эпизоди, асосан, мўъжизавийлик билан боғлаб талқин қилинади

Бадиий асарлар сюжетида туш мотивларидан фойдаланиб, асар қаҳрамонларининг руҳий аҳволини очиб бериш ўзига хос анъана тусини олган. Негаки, туш мотиви ижодкорга ўз фикрини лўнда, бўёқдор, таъсиричан қилиб ифодалашга ёрдам беради. Асарнинг композицион қурилишини ихчамлаштириб, унинг мазмунини янада чукурлаштиради ва бойитади. Айниқса, туш асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини ёрқин тасвирлашга ва ички оламини очиб беришга самарали хизмат кўрсатади.

Руҳий таҳлилнинг муҳим поэтик воситаларидан саналувчи туш бадиий асарларнинг барча турларида ўзига хос кўринишларда намоён бўлади. Айтайлик, фольклордаги эпик асарларда туш эпизоди, асосан, мўъжизавийлик билан боғлаб талқин қилинади. Эпик қаҳрамонлар, одатда, туш воситасида сеҳргарлар билан учрашиб, улар кўмагида ёхуд сеҳрли предметларни қандай қўлга киритиб, баҳт-саодатга эришиш мумкинлигини билиб оладилар. Ёинки мифологик рақиб кучни қандай маҳв этиш йўлини ўрганадилар. Масалан, “Ғуломбала” номли ўзбек халқ эртагида қаҳрамоннинг тушида

бир одам аждарни ўлдириш йўлини айтиб беради. Ғуломбона у ўргатгандай қилиб аждарни ўлдиради.

“Қиличқора” эртагида эса бош қаҳрамон Қиличқора ўз тақдирин билан боғлиқ туш кўради. Тушида унга “Ўғлим, қачон қиличинг ёнингдан кетса, жонинг ҳам кетади, қиличингда жонинг бор, эҳтиёт бўл”, - дея ўгит берилади.

Оғзаки яратилган эпик асарларда қаҳрамонларнинг ўз тушида пайғамбарларга, азиз авлиёларга, шунингдек, Хизр, чилтонларга, сеҳргар кампир, сеҳргар чол сингари хаёлий-мифологик типларга дуч келиши ва уларнинг ҳомийлигидан баҳраманд бўлиши мотиви кўп учрайди. Мўъжизавий хислатларга эга бўлган бу кучлар, одатда, қаҳрамон ҳаётининг энг қалтис вазиятида, у ечиб бўлмас муаммолар, ўтиб бўлмас тўсиқлар олдида турганида ё уни бирор хавф таъқиб қилаётганида тушига кириб, қаҳрамонга йўл кўрсатадилар, бегараз ёрдам берадилар. Унга қалтис вазиятдан қандай чиқиб кетиш мумкинлигини ўргатиб, йўл-йўриқ кўрсатадилар ёки юз бериши кутилаётган хавф-хатардан огоҳ этиб, қаҳрамонни қутқариб қоладилар.

Ёзма адабиёт дурдоналарида эса тушида кўпроқ юз бериши кутилган ижтимоий воқеликлар ҳақидаги башорат ифода этилади. Уларда, одатда, бирор-бир ноҳушликдан дарак берувчи кўнгилсиз воқелик туш орқали маълум қилиниши тасвирланади. Шу билан асар сюжети тушда баён этилган воқеликка мувофиқ ривожлантирилади. Бунга Ўткир Ҳошимов ҳикояларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, ёзувчининг “Нега? Нега” сарлавҳали ҳикоясида иккита туш эпизоди келтирилган бўлиб, улардан бири ҳикоя қаҳрамонининг, иккинчиси эса унинг хотинининг тушидир.

Ҳикоя қаҳрамони тушида марҳум отасини кўради. Уруш вақти Польшада бир оёғини ташлаб келган отаси тушида майка-турсида куриниб, унинг кесилган чап оёғи нуқул дикиллармиш. Кўлтиқтаёғи йўқолиб қолганмиш. Шунинг учун марҳум отаси худди тирикдек тушида ўғлидан “Кўлтиқтаёғим қани, нега йўқотдинг?”, - дея бақириб, асабийлашиб сўраб турганмиш.

Ҳикоя қаҳрамони дастлаб кўрган тушига у қадар эътибор бермайди. Ҳатто уни эслаганда ҳам тасодиф туфайли эслайди. Кўчада юз берган ноҳушлик туфайли тажанглашган қаҳрамон, ўзидаги кажбаҳслик отасидан ўтганлигини эслар экан, тасодифан кўрган туши ёдига келади. “Қизик, бугун отам тушимга кирибдими? Қамоқда ётганимда ўлиб кетган отам?” – дейди ўз-ўзига. Сўнгра “Э, одамнинг тушига нималар кирмайди?” деганича, унтишга ҳаракат қиласи. Бунинг ўрнига у теварак-атрофни томоша қилишга тушади. Йигитлик бурчини ўташ учун хизмат сафарига кетган ўғлини эслаб, у келиши билан тўй бошлаб юборишини, келин қўришни, невараси бўлишини хаёл киласи ва ширин орзуларга берилади. Бироқ шу пайт хотини ҳам ўғлимизни туш кўрибман дегани ёдига тушади. “Раҳматингиз тушимга кирибди, оёғим совқотиб кетяпти, отамга айтинг, менга этик олиб берсинлар, деяпти. Боламнинг жони соғмикан?” – дея хавотирланиб тушини баён этади. Лекин қаҳрамон “хотин кишининг туши тескари бўлади”. “Анави ёқда” (қамоқда демоқчи- Ш.И.) юрганимда “тушимда ўлиб қопсиз, ўзингизни эҳтиёт қилинг”, деб саккиз марта хат ёзганини уйлаб, ўзини турли фикрлар гирдобидан қутқаришга уринади. Аммо воқеалар ривожи қаҳрамон ва унинг хотини кўрган тушлар шунчаки оддий, маъносиз эмаслигини кўрсатади. Уларнинг туши рўёбга чиқади. Тушда кечган воқеликлар рамзий моҳиятга эга эканлиги аёнлашади.

Туш кўриш соғ руҳий ҳодиса бўлиб, кўпинча кишининг уйғоқлигидаги ҳолати билан боғлиқ руҳий қайфиятини уйқу ҳолатида рамзий акс эттириб беради. Руҳан яқин кишилар

бир-бирини тез-тез туш күради. Бунда улар рамзий маңнодаги воқеликни биргаликда бошдан кечирадилар.

“Нега? Нега?” ҳикоясида ҳам ота-она билан фарзанд рухан жуда яқин бўлғанликлари сабаб, ота-она фарзандининг бошига тушадиган фалокатли кўргулиқдан туш воситасида олдиндан хабар топадилар. Шу тариқа уларда хавотирланиш, бесаранжомланиш пайдо бўлади. Юз бериши мумкин бўлган ёмон воқеликнинг рамзий ишораси дастлаб онанинг тушида кўринади, чунки оналар фарзанди билан алоқадор ҳар бир воқеликдан ё туш воситасида, ё кўнгли сезиб тез хабар топадилар. Бундай кезларда, худди ҳикояда тасвирланганидек, онанинг бесаранжомлиги, хавотири кучаяди. Лекин халқ тажрибасида аёлларнинг кўрган туши, тескари келиши таъкидланади. Ҳикояда ҳам бу халқона қарашга алоҳида ишора бор. Шунинг учун хотини тушида ўлиб қолган эр ўнгидаги тирик ва соғсаломат уйига қайтади. Чунки туш таъбирларига кўра, тушда ўлиб қолган инсоннинг умри узун бўлиши айтилади.

Тушни таъбирлаганда, асосан, кўрилган воқеанинг яхши ёки ёмонлигига, тасвирнинг рангига, туш кўрилган вақтга, ҳафта ва ой кунларига, қуёш ва ой ҳолатига эътибор берилади. Шу боис аёлларнинг кўрган тушини ҳамма вақт ҳам тўлиқ тескари келади деб бўлмайди. Ҳикояда шу ҳолат юз беради. Унда она ўғли ҳақида рамзий маңноли туш кўради. Қизиги шундаки, ота томонидан кўрилган тушда ҳам оёқ тимсоли алоҳида дикқатни тортади.

Отанинг тушига марҳум дадаси ярим яланғоч (турси-майкада) ҳолда киради. Унинг уруш туфайли кесиб ташланган оёқлари дикирлармиш. Онанинг тушида эса ҳарбий хизмат сафарига кетган ўғли “оёғим совқотиб кетяпти, адамга айтинг, менга этик олиб берсинглар” деярмиш. Таъбиномалардан маълумки, тушга марҳумларнинг кириши бирор воқеликдан дарак, кутилмаган хабар деб талқин қилинади. Ҳикояда шу таъбирга халқнинг ишончи бадиий ифода этилган. Қолаверса, ҳикояда ярим яланғоч марҳумнинг тушга безовта ҳолда кириши ҳам нохушликдан далолат беради. Бундай туш одатда ёмон таъбир қилинади. Шунингдек, тушда оёқнинг совуқ қотиши ҳам ёмондир. Хуллас, ота-онанинг кўрган тушларига хос бу рамзий деталларнинг моҳияти ҳикоя сўнгидаги очилади. Ота кўрган тушнинг таъбири юз берган кўнгилсиз ҳаётини воқеа билан қўйидагича мувозий келади:

Ўзга оламга кетган	кекса	марҳум	чолнинг	Кесилган оёғи	тушдаги
Ўзга юртга кетган	ёш, навқирон	тирик	йигитнинг	Оёғи кесилиши	ўнгдаги

Она кўрган туш эса халқ тажрибасида кузатилганидек тескари келади. Лекин унга алоқадор ёмон таъбир барибир юзага чиқади. Негаки, онанинг тушида ўғлининг оёғи совқотиши, ўнгидаги оёқлари кесилган ўғилнинг дарддан қаттиқ иситмалаб алаҳлашини

билдирса, унинг этик олиб беринг дейиши энди хеч қачон оёқ кийими кия олмаслигини, бунга эхтиёжи йўқлигини билдиради.

Умуман, ҳикоядаги туш мотивлари халқона таъбирларга мослаб келтирилган. Шунинг учун уларнинг таъбири кўп жиҳатдан халқ қарашларига мувофиқ келади. Келтирилган туш эпизодлари ҳикоянинг бадиий-композицион қурилишида ўзига хос ўринга эга бўлиб, унинг ихчам ва таъсиричи чиқишини халқона рух билан суғорилишини таъминлаган.

Халқ оғзаки ижодида туш мотиви сюжетнинг ё олдинги, ё кейинги воқеалари билан боғланса, ёзма бадиий адабиётда қаҳрамоннинг ё олдинги, ё кейинги руҳий эмоционал ҳолати билан боғланади. Айни чоқда у қаҳрамон руҳий-маънавий оламининг кўз илғамас қирраларини кашф этишга, уларнинг қалбидаги кечётган нозик ҳис-туйғулар, ғалаёнларни очишга хизмат кўрсатади.

Туш ва унинг таъбирлари оммавий характерга эга бўлгани боис (яъни оддий фуқаро ҳам, донишманд одам ҳам туш таъбирларига эътибор бериши туфайли) у кенг қамров касб этади. Шунинг учун бу кенг қамровли ҳодиса кўпчиликка тез тушунилади. Дилдан дилга, тилдан тилга осон кўчади. Зотан, туш бадиий асарда қўлланганда ўз ўкувчиси қалбини тез ва осон забт этади.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарида туш ва унинг таъбирларидан жуда ўринли фойдаланилган. Халқ эртак ва достонларида, афсона ва ривоятларида туш мотивлари кўп учрайди ва ўзига хос бадиий-композицион вазифа бажариб келади. Фольклор асарларига хос бу поэтик восита мумтоз адабиётда ҳам алоҳида ўрин эгаллади. Туш мотивларидан ижодий фойдаланиш анъанаси бугунги адабиётимизда ҳам маълум бадиий тадрижий такомилга эришаётгани «Нега? Нега?» ҳикояси таҳлилидаёқ эътиборни тортади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ғуломбала // Кенжаботир. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1968, 70-бет.
2. Қиличқора // Олтинбешик. Эртаклар. ЎХИ. Кўп томлик. Тошкент, 1985, 238-бет.
3. Ҳошимов Ў. Нега? Нега? // Изтироб. Наср бўстони. Ҳикоялар. – Тошкент: Ёзувчи, 1991, 3-12.
4. Истамова, Ш. М. (2021). ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ВА ЁЗМА АДАБИЁТ НАМУНАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ: Истамова Шоҳида Махсудовна, филология фанлари буйича фалсафа доктори. Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал, (6), 16-19.4.
5. Makhsudovna, I. S. (2023). Dreams as a Means of Psychological Analysis.
6. Истамова, Ш. М. Поэтико-композиционные функции сна в художественном произведении (Doctoral dissertation, (PhD) по филологии: 10.00. 02/Истамова Шоҳида Махсудовна).
7. Истамова, Ш. М. СНОВИДЕНИЯ И СИМВОЛ В ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ. Сборник научных статей по итогам работы Международного научного форума, 72.
8. Анъанавий туш рамзларининг поэтик матнда берилиши ШМ Истамова - Новое слово в науке и практике: гипотезы и ..., 2017
9. Maxsudovna, I. S., & To'ymurodovna, Q. G. (2024, February). BOSHLANG'ICH SINFLARDA DIDAKTIK VOSITALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI. In International conference on multidisciplinary science (Vol. 2, No. 2, pp. 59-64).

10. Истамова, Ш. М., & Шарипова, М. Б. (2024). ЛИТЕРОНОМИК ТАЖНИС САНЬЯТИ АЛИШЕР НАВОЙЙ ИЖОДИДА. Экономика и социум, (5-2 (120)), 1072-1075.
11. Maxsudovna, I. S., & Qizi, S. M. S. (2022). The role and importance of puzzles in the development of intellectual abilities of primary school students. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 12(2), 209-213.
12. Maxsudovna, I. S., & To'ymurodovna, Q. G. (2025). ONA TILI VA O'QISH SAVODXONLIGI DARSLARIDA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH (KAHOOT, EDUCAPLAY KABI PLOTFORMALAR MISOLIDA). PEDAGOGIK TADQIQOTLAR JURNALI, 2(2), 177-180.
13. Jalilovna, Q. Z., & Maqsudovna, S. I. (2024). O 'QISH SAVODXONLIGI DARSLARIDA LUG 'AT USTIDA ISHLASH USULLARI. Methods of applying innovative and digital technologies in the educational system, 1(2), 184-186.
14. Jalilovna, Q. Z., & Maqsudovna, S. I. (2024). LUG'AT USTIDA ISHLASHNING LINGVISTIK ASOSLARI VA VAZIFALARI. PEDAGOG, 7(6), 186-189.
15. Sulaymonovich, S. F., & Maqsudovna, I. S. (2020). Types of lexical meanings. Journal of Critical Reviews, 7(6), 481-484.